

2. Кабинет Министров Республики Узбекистан. Государственная программа «Цифровой Узбекистан – 2030».
3. World Bank. Global Findex Database 2024.
4. Министерство развития информационных технологий и коммуникаций Республики Узбекистан. Годовые отчеты (2019–2024).
5. International Finance Corporation. Digital Financial Services in Central Asia. 2024.
6. Азиатский банк развития. Финансовая инклюзия в Узбекистане: возможности и вызовы. 2023.
7. Абраров Н.В. Цифровизация финансового сектора Узбекистана и перспективы развития // Узбекский журнал экономики и статистики. 2023. № 4.
8. Авезова М.К. Роль национальной платежной системы в развитии финансовой инклюзии // Вестник банковской системы Узбекистана. 2023. № 2.
9. Касимов А.М., Музафаров Т.Н. Финтех-инновации в Узбекистане // Финансы и кредит. 2024. № 1.
10. Кулматов А.Р. Цифровая трансформация банковского сектора // Центральноазиатский журнал финансовых исследований. 2023. № 3.
11. Махмудова Г.Б., Саидов Р.И. Финансовая грамотность и цифровая инклюзия // Мировая экономика и международные отношения. 2024. № 2.
12. Муродов П.Х. Регуляторные подходы к развитию финтех-сектора // Журнал экономических исследований. 2023. № 5.
13. Насруллаев О.Н. Кибербезопасность в финансовом секторе // Вестник кибербезопасности. 2024. № 1.
14. Рахманов З.Ф., Сайфуллаев М.А. Региональные различия в развитии цифровых финансовых услуг // Региональная экономика: теория и практика. 2024. № 1.

АҲОЛИ МОЛИЯВИЙ САВОДХОНЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ҚЎЛЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИ

М.А.Шарапова

ТДИУ “Молия ва молиявий технологиялар” кафедраси доценти, PhD


Ҳозирги глобал иқтисодий муҳитда молия бозорларининг мураккаблашуви, рақамли молиявий хизматларнинг жадал ривожланиши ва аҳолининг молиявий қарорлар қабул қилишдаги масъулиятини ошиб бораётгани молиявий саводхонлигини ошириш долзарб масалага айлантормоқда.

Молиявий саводхонлик даражаси юқори бўлган аҳоли:

- ўз даромад ва харажатларини режалаштиришга қодир бўлади;
- жамғариш ва инвестиция қилишга мойилликни шакллантиради;

- кредит ва молиявий мажбуриятларни тўғри баҳолайди;
- молиявий рискларни камайтириш имкониятига эга бўлади;
- бюджет мабалағларидан мақсадли фойдаланишда жамоатчилик назоратида иштирок этади.

Бугунги кунда иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда саводхонлик даражаси турлича (1-расм).



1-расм. Молиявий саводхонлик даражаси энг юқори бўлган мамлакатлар¹⁸⁵

Шу ўринда алоҳида мамлакатларда молиявий саводхонлик кўрсаткичларини таҳлил қиламиз.

Россия Федерацияси Молиявий тадқиқотлар миллий агентлиги (НАФИ) аналитик маркази томонидан 2024 йил февраль ойида ўтказилган сўнгги маълумотларига кўра россияликларнинг ўрта ва юқори даражадаги молиявий саводхонликка эга бўлган қисми 70 фоизни ташкил этади¹⁸⁶.

R-Fin Index 2024 натижаларига кўра, АҚШда молиявий саводхонлик даражаси паст даражада қолмоқда, яъни 49% ни ташкил этмоқда¹⁸⁷.

Европа давлатларида ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра Швейцария аҳолисининг молиявий саводхонлик даражаси 52%ни ташкил этмоқда. Бу натижа Европада ўртача ҳолатни кўрсатади ва баъзи мамлакатларда саводхонлик даражаси юқори, бошқаларида эса нисбатан пастроқ эканини англатади¹⁸⁸.

Ҳозирги шароитда аҳолининг молиявий саводхонлиги фақат шахсий фаровонлик элементи сифатида эмас, балки оммавий молия самарадорлигининг институционал омиллари сифатида ҳам қаралади.

Аҳоли томонидан давлат бюджети даромад ва харажатларининг шаклланиши, солиқ тизими, ижтимоий трансфертлар ва давлат қарзи

¹⁸⁵ Мамлакатлар бўйича молиявий саводхонлик маълумотлари [S&P тадқиқоти] https://ourwealthinsights.com/financial-literacy-data/?utm_source

¹⁸⁶ Национальное агентство финансовых исследований (НАФИ) <https://nafi.ru/analytics/index-finansovoy-gramotnosti-rossiyan-2024>

¹⁸⁷ TIAA Institute-GFLEC Personal Finance Index 2024/2025 Report <https://nafi.ru/analytics/index-finansovoy-gramotnosti-rossiyan-2024>

¹⁸⁸ True Wealth Financial Literacy Index 2024 – Switzerland <https://www.truewealth.ch/en/financial-literacy/2024>

механизмларини тушуниш, бевосита фискал сиёсатга ишонч даражаси ва аҳолининг бюджет жараёнларида иштирок этишга тайёрлигига таъсир кўрсатади. Молиявий саводхонлик давлат бюджети очиқлиги ва самарадорлигининг муҳим шартига айланмоқда.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD) нинг 2024 йилда эълон қилинган халқаро ҳисоботларига кўра, ривожланган мамлакатларда фуқароларни бюджет жараёнларига жалб этиш амалиёти (citizen engagement in budgeting) жадал ривожланмоқда. Натижада «фуқаролар учун бюджет» форматини жорий этган давлатлар сони ортиб бормоқда ва аҳолининг молиявий саводхонлик даражаси билан бюджет устуворликларини англаш даражаси ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжуд.

1-жавдал

Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда молиявий саводхонликнинг қиёсий таҳлили (2024–2025 йиллар)¹⁸⁹

Кўрсаткичлар	Ривожланган мамлакатлар	Ривожланаётган мамлакатлар
Банк ҳисоб рақамига эга аҳоли улуши (2024)	90% дан юқори	Тахминан 40%
Бюджет жараёнларида фуқаролар иштироки	Юқори	Чекланган
Бюджет шаффофлиги ва ахборотга кириш	Тизимли	Парчаланган
Молиявий саводхонлик етишмаслиги билан боғлиқ бюджет рисклари	Паст	Юқори

Молиявий саводхонлик даражаси юқори бўлган мамлакатларда солиқ интизоми ва бюджет ислоҳотларини жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватлаш даражаси юқори бўлади.

Молиявий саводхонлик даражаси юқори бўлган мамлакатларда солиқ интизоми ва бюджет ислоҳотларини жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватлаш даражаси юқори бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса сифатида айтиш мумкинки, аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш узоқ муддатда давлат бюджетига тушадиган юкни камайтириш, бюджет харажатларининг самарадорлигини ошириш ҳамда жамиятнинг фискал сиёсатга бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шундай экан, мамлакатимизда бюджет саводхонлигини таълим тизимига интеграция қилиш, давлат бюджети бўйича рақамли ахборот каналларини ривожлантириш ҳамда давлат харажатлари шаффофлигини ошириш орқали ижобий натижаларга эриши мумкин.

¹⁸⁹ Iqtisodiy hamkorlik va taraqqiyot tashkiloti (OECD) нинг 2024 йилда эълон қилинган халқаро ҳисоботлари (<https://www.oecd.org/gov/budgeting/>).